БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА ТАРЖИМАДА ОБРАЗЛИ ВОСИТАЛАРНИНГ КАЙТА ЯРАТИЛИШ МАСАЛАСИ (Й.В.ГЁТЕНИНГ “ФАУСТ” ФОЖИАНОМАСИ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИ МИСОЛИДА)

С. Ҳ. НАЗАРОВ

В статье описывается воссоздание образных средств через перевода характерного приёма в трагедии «Фауст» известного немецкого писателя И В. Гёте на материале ўзбекских переводов.

The article revealed recreation of employing images tools through translation in Uzbek on the example of tragedy “Faust” by well-known German writer Gyote.

Образли воситалар деганда биз, аввало, асарда ёзувчининг тасвирлаш маҳоратидан далолат берувчи унсурлар, масалан, турли куринишдаги метафоралар, эпитетлар, ухшатишлар, муболағлар, шунингдек, мақол ва матал кабиларни назарда тутамиз. Ҳеч қайси бадиий асарни образли воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. “Асарнинг умумий янграши ундаги бадиий ифода воситаларининг хамжиҳатлиги билан ифодаланади" - деб ёзади таникли олим Г.Р. Гачечиладзе [2. 174].

Бевосита ва билвосита таржима орасидаги фарк образли воситаларнинг кайта ифода этилишида яккол сезилиб туради. Бевосита аслиятга таяниб ишлашга эришган таржимоннинг таржима майдонида мустақил ижод килиш имкони кенгаяди. Билвосита таржима асосида иш юритувчи таржимон эса аслиятни рус тилига агдарган таржимонга тобе ҳолда ижод килади ва аксар ҳолларда, ўзбек тилининг табиати образли воситани аслиятга мутаносиб ҳолда кайта ифодалашга имконият берадиган, аслият ва ўзбек китобхонининг фикр тарзи бир хил кўчадиган уринларда ҳам, аслиятдан бехабарлиги сабабли, узи сезмай, образли воситани ўзбек тилида акс эттирмай колади.

ORCHESTER. TUTTI. Fortissimo.
Fliegenschnauz und **Mückennas**
Mit ihren Anverwandten,
Frosch im Laub und **Grill** im Gras,
Das sind die Musikanten!
(“Faust". Goethe. 1969. -S.255).

Оркестр (фортиссимо - даҳшат билан)
Пашшаю чивин бўлиб биродар:
Курбақа билан сайрар боткокда,
Ниначи билан яйрар утлокда,
Улар-чи, эмиш созанда донгдор!
(П.Усмон тарж. 2007. -Б.94).

Оркестр. Олам ичра бунака
Чолгу йукдир соз.
Пашша, чивин, курбақа “
Бари жўровоз (Э.Воҳидов тарж. 1985. -Б. 124).

Юкорида келтирилган парчалардаги ***“пашша”, “чивин”,"қурбақа”, “ниначи”*** сузлари образли воситаларнинг бир тури, яъни аллегория булиб, улар матнда инсонга хос хусусиятлар оркали маълум тоифадаги кишиларни, аниқроғи, мусиқачи ёки қўшиқчиларни билдиради.

Аслиятдаги **Fliegenschnauz, Mückennas, Frosch, Grill** сўзлари таржимон Пошо Али Усмон томонидан олмон тилидан ўзбек тилига бевосита ***“пашша”, “чивин”, “курбақа”, “ниначи”*** тарзида ўгирилган. Аммо таржимон Эркин Воҳидовнинг билвосита, яъни рус тили оркали таржимасида **Grill (ниначи)** тушириб? колдирилган.

Образли воситаларни таржимада акс эттириш ғайрилисоний (экстралингвистик) билим, филологик таҳлил, туйғу ва ижод чорраҳасида содир бўлади. Бу борада бизнинг ўзбек таржимонларимиз ҳам катта тажрибага эга.

Таржимонлар образли воситаларни ўгираётганда аслиятда қўлланилган метафорани метафора билан, эпитетни эпитет билан ёхуд бошка образли воситаларни аслидагидек таржима килса, ўқувчига тушунарли булади. Акс флда, бир улуғ ёзувчи ёки шоирнинг ўз миллати ўқвчиси эътиборидаги кўрки ва дурдонаси бўлмиш ажойиб асар таржимага кўчганда кандайдир уртача китобга айланиб колиши мумкин. Шу уринда австриялик атоқли ёзувчи Карл Краушнинг таржима какидаги пурмаъно гапларини эслатиб утсак. У шундай дейди: “Асарни бир тилдан бошка тилга угириш - унинг терпении шилиб олиб чикиш ва уша ернинг миллий либосини кийдириб ясантириш билан баробардир". Таржимон чет тилини яхши билиши мумкин, аммо у ўша

тилни стилистикасини яхши билмаса образли воситаларни тугри танлай олмайди. Билвосита таржимада эса таржимон стилистика фанини пухта эгаллаган булишига карамай, барибир, у уртадаги воситачи тил га суяниб колади.

SOLO:
Seht, da kommt der Dudelsack!
Es ist die Seifenblase.
Hort den Schneckeschnickeschnack
Durch seine stumpfe Nase!
(“Faust”. Goethe. 1969. -S.255).

Соло
Қўшнайчи келмоқда, каранг!
Совунпуфакнинг нақ узи.
Тошбака таратар оханг,
Тупос бурни - унинг сози.
(П.Усмон тарж. 2007. -Б.94).

Яккахон
Қўнайчига бир каранг.
Кўпикдир юзи.
Бу ерда у каттазанг,
Тентакроқ ўзи.
(Э.Болидов тарж. 1985.-Б.124).

Аслиятдаги **es ist die Seifenblase** (***die Seife*** - ***совун; die Blase*** - ***пуфак, кўпик)*** жумласини таржимон Пошшо Али Усмон **совунпуфакнинг нақ узи** тарзида таржима килиб аслиятдаги маънони аниқ очиб беролган. **Es ist die Seifenblase (совунпуфакнинг нак узи) *der Dudelsack (қўшнайчи)***га караб айтилган ўхшатишдир. Эркин Вохидов эса **es ist die SeifenblaseHH купикдир юзи** тарзида таржима килиб, аслиятдаги ўхшатишни хам, шу жумлада берилган маънони хам ўзгартириб юборган.

Hört den - Schneckeschnickeschnack
Durch seine stumpfe Nase!

мисрасини хам таржимонлар турлича угиришган. **Schneckeschnickeschnack die Schnecke-*1. шиллиқ қурт, чиғаноқ; 2. анат. қулоқ ичининг товуш қабул қиладиган қисми; 3. тех. спиралсимон найча, трубка, деталь, цисм*\ der Schnickeschnack - *сафсата, бемаъни гап*** деган маъноларни билдиради. Пошшо Али Усмон **Schneckeschnickeschnack** сўзини ***тошбақа*** деб ўгирган.

Hört den **Schneckeschnickeschnack.**
Тошбака таратар оханг.

Маълумки, шеърий асарларда образли воситалар кўп қўлланилади. Бунга сабаб ифода сиқиқлигидир. Чунки образли воситалар ёрдами билан у ёки бу кахрамоннинг табиатидаги мухим томонлари бир неча сўз оркали, кенг тасвирсиз тушунарли булиб колади, яъни камрок сўз сарфлаб кўпроқ таъсир ўтказишга эришилади.

MARGARETE:
Ich bin **ein armes junges Blut;**
Ach Gott! **der Herr ist gar zu gut.**
Schmuck und Geschmeide sind nicht mein
(“Faust". Goethe. 1969. -S.215).

Маргарита
Мен боёкиш - **ёш бир ниҳол**
Жаноб-чи, **кандай баркамол!**
Меникимас бу зеб-зийнат.
(П.Усмон тарж. 2007. -Б. 122)
Маргарита
Узр, жаноб, **хоним эмасман** мутлоқ
Оддий оиланинг оддий кизиман.
Меники эмасдир такинчоқдар хам.
(Э.Вохидов тарж. 1985. -Б.86).

Аслиятдаги **ein armes junges Blut *arm - нам- багал, бечора; jung - ёш; das Blut - қон,*** аммо **junges Blut** - ***ёш, ёш одам, ёш қиз*** деган маънони билдиради. Бевосита ва билвосита таржималарда бу яққол кўриниб турибди.

Ich bin ein armes junges Blut жумласини Пошо Али Усмон **мен боёкиш - ёш бир ниҳол** тарзида ўзбек тилига угирган. У аслиятдаги ***arm -камбағал, бечора сузини*** **боёкиш** тарзида угириб, Маргаритага билдирилган салбий ўхшатишни бурттириб кўрсатган. Вахоланки, Гёте аслиятда Маргарита Мефистофелга нисбатан узини хали ёшлигини, унга муносиб эмаслигини камтарлик билан айтмокчи бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, **меникимас бу зеб-зийнат (*Schmuck und Geschmeide sind nicht mein)*** жумласидан куриниб турибдики, Маргарита – камбағал киз. **Боёкиш** сузи камбағалликдан кўра ***ёлғизлик, суццабош- лик*** сузларига якинрокдир.

Таржимон Эркин Вохидов томонидан **junges Blut - оддий киз, *arm* - хоним эмасман** тарзида ўзбек тилига угирилган. Аммо Эркин Вохидов **ach Gott! der Herr ist gar zu gut** жумласини кискагина ***узр, жаноб*** деб ўгирган. Аслиятга эътибор берайлик: **ach Gott! (эй *худо; der Gott - Худо)*** сўзини на Пошо Али Усмон, на Эркин Вохидов таржимасида кўрамиз. Бу эса аслиятда берилган Маргарита хиссиётининг таржимада сусайишига олиб келган.

Шу каторларни услубий ва мазмун жикатдан таржима килишга уринамиз.

MARGARETE:
Ich bin **ein armes junges Blut;**
Ach Gott! **der Herr ist gar zu gut:**
Schmuck und Geschmeide sind nicht mein.

Мен бир **камбағал ёш жувон;**
Эй Худо! **Ул жаноб бунчалар яхши:**
Меники эмасдир зебу-зар, ишон.

Бир тилда яратилган образли воситаларни иккинчи тилда қайта яратиш анча мушкул. Чунки кар бир тилнинг узига хос бадиий ифода тарзи бор ва куп йиллар давомида шаклланган, шу тилда сўзловчи миллатнинг урфу одати, турмуш тарзини акс эттиради. Қолверса, кар бир шоирнинг, ёзувчининг ўз услуби, ифода тарзи бор.

Мефистофел
Still, **altes Weinfaft!**
("Faust". Goethe. 1969. -S.30).

Тилингни тий, эс**ки майхум!**
(П.Усмон тарж. 2007. -Б.94).

Жим бўл, **меш!**
(Э.Болидов тарж. 1985. -Б.68).

Зибел
Besenstiel! Du willst uns gar noch grab begegnen?
("Faust". Goethe. 1969. -S.30).

Сен-чи, **шалағи чиққан супурги - таёк!**
(П.Усмон тарж. 2007. -Б.95).

Тилингни тий, **чўлтоқ супурги!**
(Э.Болидов тарж. 1985. -Б.68).

Биринчи мисрадаги **altes Weinfaft** аслиятдаги ўхшатишни Пошо Али Усмон бевосита олмон тилидан сўзма-сўз таржима қилиб, эск**и майхум** деб номлаган. Аммо **altes Weinfaft эск**и, қ**адимий бочка** деган маънони билдиради. **Der Wein *вино, май,* das Fafi *бочка*** деган маъноларни беради. Ўзбекларда кимгадир нисбатан эс**ки майхум** деган ўхшатишни ишлатиш жуда кам учрайди. Бизнинг фикримизча, эски **майхум,** одатда май ичишга муккасидан кетган, уни касб қилиб олган одамларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Аммо эски **майхум** иборасини ***семиз, қориндор, қорни катта*** одамларга нисбатан кам ишлатса булади.

Эркин Воҳидов эса билвосита, рус тилидаги таржима оркали ўгириб **меш** деб номлаган. **Меш** сўзи ўзбек тилида қ**оп, тўрва, халта** ёки **канор** сўзларига тўғри келиб, одатда, бу предмет ичига вино солиб бўлмайди. Чунки мазкур предметлар ўзбекларда, асосан, матодан тайёрланади. Эркин Болидов **меш ў**хшатишини ***семиз, қориндор, қорни катта*** одамларга нисбатан куллаган. Бундан ташқари, таржимон аслиятдаги **alt (қари, эски)** сифатига эътибор каратмаган.

Энди аслиятга мурожаат килсак, **altes Weinfaft** юкорида айтганимиздек, эс**ки, қадимий бочка** деган маънони билдириб, асарда Мефистофел **altes WeinfaftyxujaTHLiJH** оркали Зибелни қ**ари майхур** ёки **май ичишга муккасидан кетган чолга** ухшат- ган булиши мумкин.

Иккинчи мисрада энди Зибел Мефистофелни **Besenstiel** - сўзма-сўз таржимада (***супурги дастаги, ушлагичи)га*** ўхшатган. **Der Besen *супурги* Der Stiel *дастак, соп, ушлагич*** деган маъноларни билдиради.

Таржимон Пошо Али Усмон **Besenstiel ў**хшатишини **шалағи чиққан супурги - таёк** тарзида таржима қилган. Бу ерда таржимоннинг маҳорати шундаки, у сўзма-сўз таржима қилган ҳолда ўхшатишнинг ўзбекча муқобилини топа олган. Аммо, бизнингча, **шалағи чиққан супурги таёк** урнига **шалағи чиққан супурги** ёки **шалағи чиққан супурги таёқ** тарзида берса, яхши бўларди. Чунки **шалағи чиққйан супурги - таёк** таржимасидаги **таёк** алоҳида берилиб, супурги дастаги маъносида эмас, балки алоҳда бир предмет **таёк, хода, калтак** маъносида келган.

Эркин Воҳидов эса **чўлтоқ супурги** тарзида таржима қилиб, бизнингча, аслиятдаги предметнинг ўзбекча муқобилини аниқ топа олган.

Юқорида берилган жумладаги образли воситаларни кайта яратиш масаласини И.В.Арнольднинг куйидаги структураси оркали яна бир бора кўриб чикамиз[1. 142-143].

1. Ифодаланувчи - нима ҳақида?

Биринчи жумлада ифодаланувчи - Зибел.

Иккинчи жумлада ифодаланувчи - Мефистофел.

2. Ифодаловчи - нима билан қиёсланяпти?

Зибел - кари майхўр ёки май ичишга муккасидан кетган чолга;

Мифестофел - шалағи чиққан супурги ёки шалағи чиққан супурги таёғига.

3. Қиёсланиш асоси - нима асосида қиёсланяпти?

Қиёсланиш асоси: 1. шакли; 2. ташки куриниши; 3. ажми.

4. Ифодаланувчи ва ифодаловчи уртасидаги муносабат: конкрет нарса билан киёсланяпти, лекин улар бир-биридан узоқ.

5. Қиёсланиш техникаси: ўхшатиш, қиёслаш, сифатлаш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хар бир миллий адабиёт узига хос образли воситаларга эга. Шунинг учун бу таржимондан алохида эхтиётқорлик ва меъёрни талаб килади. Зеро, у таржимада хам миллий адабиётга хос ифода шаклларини куллаши, хам аслиятнинг ўзига хослигини йуқотиб қуймаслиги керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. -Л.: - 1973. - 245 с.
2. Гачечиладзе Г.Р. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. - М.: Советский писатель. 1980. - 253 с.
3. Гёте Ё.В. Фауст. Олмон тилидан Пошо Али Усмон таржимаси. - Т.: Миллий кутубхона, 2007. - 218 б.
4. Гёте Ё.В. Фауст. Олмон тилидан Эркин Вохидов таржимаси. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. - 373 б.
5. Рахимов Х.Р. Deutsch - немисми - олмонми? // Олмоншунослик ва таржимашуносликдан очерклар. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2006. - 134 б.
6. Рахимов Х.Р. Метафора: Методика, типология, перевод // Респупликанская конференция на тему «Развитие преподавания иностранных языков в вузах и школах». - Душанбе, 1992.
7. Саломов F. Таржима назариясига кириш. - Т.: Укитувчи, 1978. - 219 б.
8. Goethe Faust. - Leipzig: Isel - Verlag, 1969. - 651 s.
9. Riesel E. Stilistik der deutschen Sprache. - M.: Hochschule, 1963. - 468 s.

Тошкент давлат педагогика университети,
2012 йил 10 февралда кабул килинган.
(Тацризчи: проф. АНурмонов)